

КУН  
нафаси

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 2023 йил 4 декабрдан **қисқа муддатли меҳнат таътилига** чиқди. Бу ҳақда Президент матбуот қотиби хабар берди.

◆ Англиянинг Legatum Institute халқаро таҳлилий маркази мамлакатларнинг **фаровонлик даражаси бўйича навбатдаги рейтингини** эълон қилди (Legatum Prosperity Index 2023). **Ўзбекистон ушбу рейтингда дунёнинг 167 давлати орасида 100-ўринни эгаллади.** Бу Марказий Осиё давлатлари орасида учинчи кўрсаткич: Қозғистон 69-ўринда, Қирғизистон 94-ўринда, Туркменистон 107-ўринда ва Тожикистон 113-ўринда қайд этилган.

◆ Ўзбекистонда Миллий углеродли кредит тизимини яратиш доирасида Industrial Innovation Group компанияси билан англашув меморандуми имзоланди, деб хабар бермоқда Экология, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги.

Келишув экология вазири Азиз Абдуҳақимов ва Industrial Innovation Group бош директори Тарям Матар Тарям томонидан имзоланган. Хориж компанияси **Ўзбекистонда атмосферага чиқарилаётган газларни ҳисобга олиш бўйича Миллий реестрни яратишда иштирок этади.**

◆ Вена шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича **Ўзбекистон – Австрия ҳукуматлараро комиссиясининг 8-йигилиши ва бизнес-форум** бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўринбосари Бадриддин Обидов, Австрия Федерал Меҳнат ва иқтисодиёт вазирлиги бош директори Флориан Фраушер, ушбу мамлакат Иқтисодий палатаси вице-президенти Филипп Гади, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, икки давлат ишбилармон доираларининг 100 нафардан ортиқ вакили иштирок этди.

◆ Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари Тошкент шаҳрида «Бахти Ташкентский» лақаби билан танилган **Бахтиёр Қудратуллаев ва бошқа шахсларни қўлга олди.** Бу ҳақда пойтахт ИИББ матбуот хизмати хабар берди. Ушбу шахслар таҳдид ва куч ишлатиш йўли билан пул маблағларини қонунга хилоф равишда қўлга киритиш билан шуғулланган.

◆ Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари «Салимбой» ва «Салимбойвачча» лақаблари билан танилган 73 ёшли тадбиркор **Салим Абдувалиевга нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказмоқда.** Бу ҳақда Kip.uz хабар тарқатган.

◆ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари Инвестициялар вазирлиги ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш, узатиш ва тарқатиш ҳамда бошқа соҳаларда инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Тадбирда Ўзбекистон томонидан энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов, БАА томонидан эса ушбу мамлакат инвестиция вазири Муҳаммад ал-Сувайдий иштирок этди.

2023-yil  
5-dekabr  
seshanba  
№ 149  
(4901)

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

# Ishonch

О‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ОНЛАЙН ЖИНОЯТ ИЛДИЗИГА

ЗАРБА

Ўзбекистон карталаридан онлайн қимор ўйинларига трансчегаравий ўтказмалар тақиқланди

Давлатимиз раҳбари шу йил 30 ноябрь кuni «Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорига имзо чекди.

Ҳужжатга кўра, маблағларни олувчи томонидан қимор ўйинлари ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти ҳамда капитал ҳаракати операциялари амалга оширилаётгани тўғрисидаги тўлов тизимининг операция коди ёки бошқа идентификаторлар белгилангани ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, тижорат банкларининг банк картаси ёрдамида Ўзбекистондан ташқарида жойлашган маблағ қабул қилувчи трансчегаравий ўтказиш тақиқланади.

Қонунга хилоф равишда қимор ўйинларида қатнашиш ҳамда агентлиги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тақдим этади.

Қайд этиш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, Ўзбекистонда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва реклама қилиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Муносабат

## ХАЛҚОНА ҲУЖЖАТЛАР

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 11 сентябрь кuni имзоланган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармон ҳамда 12 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ислохотлар самарасини белгилаб берадиган тарихий ҳужжатлар бўлди.

Халқ манфаатини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадига бешта устувор йўналишда юзта мақсадни бирлаштирган «Ўзбекистон – 2030» стратегияси илҳом, содда, барча учун тушунарли тарзда ишлаб чиқилган. Шу боис ҳам стратегия халқона ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда. Лойиҳа муҳокамасида бир миллиондан зиёд тақлифлар келиб тушганининг ўзи ҳам кўп нарсани аңлатади.

Мамлакат ҳаётига теран назар солар эканмиз, юртимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг шиддатли ривожига гувоҳ бўламиз. Тинчлик, бунёдкорлик, иқтисодий эркинлик, ижтимоий ҳимоя – буларнинг барчаси инсон учун хизмат қилмоқда. Стратегиянинг асосий мақсади ҳам Янги Ўзбекистонни қуриш гоёси асосида амалга оширилаётган, ҳаммамиз қўриб-билиб турган кенг кўламли ва айна вақтда халқпарвар ислохотларни изчил давом эттиришга, соҳа ва йўналишларни янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, жамият тараққиётида муҳим из қолдириши шубҳасиз.

Айниқса, барқарор иқтисоди

дий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, одамлар учун қулай экологик шароитларни яратиш мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини қафолатли таъминлаш масалаларининг ўрин олганлиги фаровонликка хизмат қилади, албатта.

Биз, албатта, барча муваффақиятларимизнинг гарови бўлган мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишни, унинг хавфсизлигини, тинчлик-осойишталикни таъминлашни энг муҳим ва долзарб масала, деб биламиз.

Қаерда адолат бўлса, шу ерда тараққиёт бўлади, ўсиш бўлади. Стратегиянинг асосий гоёларидан бири бўлган бу мақсад барчамизни бирлаштиришига ишонамиз.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари



Билиб қўйган яхши

БИР ЙЎЛЛАНМАДАН ИККИ КИШИ ФЙДАЛАНСА БЎЛАДИМИ?

**САВОЛ:** Бир йўлланма билан икки киши олти кундан даволанса бўладими?

Хумора ХАЛИЛОВА

Олтиариқ тумани

**ЖАВОБ:** Бу савол билан кўп дам олувчилар мурожаат қилишади. Биз бунга ҳар доим йўқ, мумкин эмас, деган жавобни берамиз. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Аввало, касаба уюшма ўртасида билан йўлланма берган ташкилот кўртасидан шартномага асосан битта йўлланмага фақат бир киши қабул қилинади.

Қолаверса, дам олувчиларнинг организини зўриқтирмаслик учун даволаш стандарт асосида ташкил этилиши керак. Бундан ташқари, айрим муолажалар кун оралатиб амалга оширилади. Даволаниш таъсирли бўлиши, соғлиқни тиклашда яхши натижалар бериши учун йўлланма муддати 12 кун этиб белгиланган.

Саволга «Чимён» санаторийси шифокори **Абдурахим ХОЛМАТОВ** жавоб берди

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Ҳамидулла Тоғаев Халқ банкининг Денов филиалида ишлаб келаётган эди. Аммо кутилмаганда у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинди.

Бунга гўёки Ҳ.Тоғаев эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, яқин қариндошларига бир неча мартаба имтиёзли кредит ажратгани сабаб қилиб кўрсатилди.

Бир қарашда ҳаммаси қонуний тартибда амалга оширилгандек. Тўғри-да, ҳеч кимнинг ўз ваколатидан фойдаланиб, яқинларига ён босишга ҳақи йўқ, аслида. Аммо иш берувчи ходимни шу ваз в билан ишдан бўшатар экан, бир қанча хатоликларга йўл қўйган.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 314-моддасида «Интизомий жазо

интизомий қилмиш аниқланганидан кейин дарҳол, бироқ аниқланган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай қўлланилади...» деб кўрсатилган. Ҳ.Тоғаев билан меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтда у меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган. Иш берувчи эса буни ҳисобга олмай, Меҳнат кодексининг 163-моддаси 1-қисми 3-банди талабларини кўпол равишда бузган.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклаб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун 13 миллион 753 минг сўм ойлик иш ҳақи ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Зариф ХОЛОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Навоий вилояти

ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН ТЎЛОВ

Нурота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли дорихонада ўриндошлик асосида фаолият юритган Мавжуда Исматовага иш берувчи ойлик маош беришни пайсалга солиб келарди. Бу ҳақда маъмуриятга бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилган бўлса-да, унинг дардини ҳеч ким эшитишни ҳамда юзга келган муаммони қонун доирасида ҳал қилишни истамаган.

Шундан сўнг у Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига арз қилди.

Масалани ўрганиш асноси дорихона мудири Эътибор Умарова таътилга кетган, унинг ўрнида Мавжуда Исматова вақтинча ишлаб келаётгани, бу вақт давомида унга сабабсиз иш ҳақи берилмаётгани ойдинлашди.

Иш берувчи бу ҳаракати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 20-24-25-бандларини кўпол равишда бузиб келган.

Мана шу ҳолатлар асос қилиниб, иш берувчига кўрсатма киритилди ва Мавжуда Исматовага иш берувчидан 23 миллион 712 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Завриддин ҲАЛИМОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ КИМЁГАРИ

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамкорлигида «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Мазкур кўрик-танлов тармоқ тизимида фаолият юритаётган ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзлари танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, иқтидорли ёш мутахассисларнинг касбий билим даражасини аниқлаш, ёш мутахассислар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш ва ёш мутахассисларнинг инновацион лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга қўмаклашиш мақсадида ҳар икки йилда ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг биринчи босқичида тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар иштирок этишди ва улар орасидан ғолиб деб топил-

ганлар республика босқичида ўзаро беллашдилар. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ходими Аҳрор Бозоров 1-ўринни, Тошкент кимё-технология институти ходими Шодияхон Азимова 2-ўринни ва «Дехқонобод калий заводи» АЖ ходими Жонибек Акбаров 3-ўринни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари, 1-ўрин эгаси эса махсус статуэтка билан тақдирланди.

**Шавкат ТОИРОВ,** Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Яқинда ички ишлар ходимлари ўртасида «Заковат» ўйини бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда «Заковат интеллектуал клуби» ННТ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур беллашувда Бош бошқарманинг соҳавий хизматлари ҳамда ички ишлар бўлиmlларида фаолият олиб бораётган ходимлардан тузилган 20 та жамоа ўзаро куч синашди.

Қизгин ва мурасасиз кечган му-



## ЁЛҒОННИНГ МИСИ ЧИҚМАЙДИМИ?

Бизнесда ҳаммаси жойидами? Бир қарашда ҳаммаси яхшидек кўринади. Аммо, афсуски, айрим тадбиркорлар томонидан товар айланмаси-ю, ишчилар сонини яшириш одатий ҳолга айланиб борапти.

Бундай хунук манзара касб этаётган ҳолатлар Самарқанд вилоятида ҳам оз эмас. Оддий бир мисол. Вилоятда 6979 та корхонада йил бошига нисбатан ишловчилар сони 16576 нафарга камайиб кетган. Боринги, қисқариш ноз берди ҳам дейлик. Унда иш жойидан мосуво бўлган инсонларнинг тақдири қайси қонунлар асосида ҳал этилди? Уларнинг мuddат, тўлов компенсацияси ва бошқа расмийатчиликлардан манфаатдор бўлгани ҳам сўроқ остида. Боз устига 7500 та юридик мақомга эга корхоналар ҳисоботларида бир нафаргина ишчи ишлаётгани кўрсатиб келинаётганини қандай баҳолаш мумкин? Рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатиб келаётган 10 493 та корхона ҳисоботларида бир нафар ҳам ходим ишламаслиги қайд этиб келинаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумотларга назар ташлаб, ёқа ушлайсан киши. Вилоятда 5323 та корхона ҳисоботларида товар айланиши ҳажми «0» қийматда кўрсатиб келинаётган бўлса-да, улар томонидан 40,1 миллион кВт/с электр энергияси истеъмол қилинган. 6979 та корхонанинг банкдаги маблағ айланмалари 2,7 триллион сўмни ташкил этаётган бир шароитда эса товар айла-

ниш ҳажми ҳисоботларда «0» қиймат шаклида акс этиб келмоқда. Бу субъектларда қанча ишчи хизматидан фойдалангани тўғрисида сўз очишдан эса фойда йўқ.

– Касаба уюшмалари томонидан ўрганилаётган мурожаатларнинг аксар қисми тадбиркорлик субъектларида ишловчилар ҳиссасига тўғри келади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси



## ҲАР ЖИҲАТДАН ҚИЗИҚАРЛИ

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда янги Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди ва жамоа шартномаларини қабул қилиш юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда қизиқарли машғулотлар ўтказилди.

Қизгин баҳс-мунозара ва ўзаро савол-жавоб тарзида ўтган семинарда барча саволларга Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудир Шоҳида Бегимқулова батафсил тушунчалар берди.

– Тадбирда меҳнаткашларни



ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоа шартномаларини тузиш, иш берувчи ва ходимлар муносабати каби масалалар атрофича таҳлил қилинди, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Ерғали Сейтназаров. – Қорақалпоғистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасида 16 туман ва 1 та шаҳар кенгаши мавжуд бўлиб, та-



сарруфдаги 174 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларидаги аъзолар сони 56901 нафарни ташкил этади. 2023 йилнинг ўтган 10 оyi давомида 85 та нодавлат ташкилот ва корхоналар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Икки кунлик анжуман ҳар жиҳатдан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**  
«ISHONCH»



## ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВ

Театр кишининг ҳаётга бўлган эстетик ва ахлоқий муносабатини шакллантиради ҳамда жамиятдаги нуқсонларни йўқотишга, турмушнинг янада обод бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан яқинда ташкил этилган театр томошалари ҳам айни мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Вилоят мусиқали драма театрида

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри репертуаридан ўрин олган «Қайтар дунё» спектакли намойиш этилди. Унда инсон қадри, фарзандлар тарбияси, ота-оналарга ғамхўрлик сингари инсоний фазилатлар тараннум этилган.

Турли соҳаларда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимлар спектаклда турли ролларни ижро этган етук актёр ва актрисаларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлиб, кўтаринки кайфият ва унутилмас ёрқин таассуротлар билан вақтларини чоғ ўтказишди. Улар маданий ҳордиқ учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

**Лола ЖўРАЕВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудир



Тадбир

## ЗАКОВАТ БАҲСИ

собақада биринчи ўрин Бош бошқарма Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати, иккинчи ўрин Олмазор тумани бўйича ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, учинчи ўрин эса Яшнобод тумани бўйича ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоасига насиб этди.

Ғолибларга Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари бирлашган касаба

уюшмаси томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, ИИБВ тизими, унинг ривожини йўлида кўп йиллар меҳнат қилган кекса авлод вакиллари, касаба уюшмаси фахрийлари ҳам моддий, ҳам маънавий томонлама рағбатлантирилди.

**Беҳзод РОЗИҚОВ,**  
Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси мутахассиси

Долзарб мавзу

килоти вакилларининг илк учрашуви ушбу манзилда бўлди. Тадбирда «Ургут эркин иқтисодий зонаси» раҳбарияти номидан сўз олган Абдуғофир Мадаров касаба уюшмалари тадбиркорларга қанот, суянч бўлишини эътироф этди. Элликка яқин хусусий ва қўшма корхона раҳбарлари жамоат ташкилотига аъзо бўлиш истагини билдиришди.

– Тадбиркорлар ва касаба уюшма вакиллари учрашувидан сўнг 650 нафардан зиёд ходимни иш билан таъминлаб келаётган 8 та корхона билан музокараларни бошлаб юбордик, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Маъруф Бобоёров. – Айни чоғда бошланғич ташкилотга асос солишдаги ташкилий жараёнлар кетмоқда.

– Кенгаш бошлаган анъанани изчил давом эттиряпмиз, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси раиси Бобур Алиев. – Оқдарёдаги учрашувда иккита бозор, Самарқанд шаҳрида эса «Мусо Хонкелди», «Табиат саховати», «Суҳроб транс сервис» МЧЖлар билан келишувларга эришдик.

Бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилик ҳам, касаба уюшмалари ҳам меҳнатнинг мажбурий кўриниш олишига жиддий курашишга киришишди. Буларнинг барчаси ишчи-ходимларнинг манфаатини таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилади.

**Нурилла ШАМСИЕВ**  
«ISHONCH»



Сўранг, жавоб берамиз...



**САВОЛ:** Хусусий корхонага қамоқдан озод қилинганларни ишга қабул қилган тадбиркорларга ҳукумат пул тўлар экан. Бу қоида қачондан амал қилади ва тадбиркорга қайси тартибда ҳамда қанча миқдорда пул тўланади?

Гулноза ҲОШИМОВА  
Сариосий тумани

## КОРХОНА ҚАМОҚДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛАРНИ ИШГА ОЛСА...

**ЖАВОБ:** 2023 йил 5 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2023 йил 1 октябрдан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир шахс учун уч ойдан ортиқ мuddатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг БҲМнинг 3 баравари миқдоридан бир марталик субсидия ажратилади.

Мазкур субсидия маблағлари хусусий тарзда фаолият юритувчи корхоналарга ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ҳамда устав жамғармаси капиталда давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно.

Юқорида қайд этилган ҳукумат қарори билан «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳам тасдиқланган.

Низомга кўра, иш берувчилар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилгандан сўнг уч ойдан ортиқ мuddатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан кейин субсидия олиш учун туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлимига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



